# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 22-MAY, SESHANBA, 60 (7985) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Туман "Агротехсервистаъминотчи" МЧЖ техника жиловдорлари ҳам ғаллакорлар ишончини оқлаш, улар етиштираётган мўл ҳосилни қисқа муддатларда ўриб-йиғиб, эл хирмонига армуғон этиш учун астойдил ва пухта тайёргарлик кўришаётир. 2



Воҳада асаларичилик қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоқларидан бирига айланмоқда. Буни вилоятда асал тайёрлаш ҳажми йил сайин ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Масалан, 2011 йилда 253 тонна асал етиштирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 315 тоннага етказиш мўлжалланмоқда. 3



Пойтахтимиздаги Бадиий гимнастика бўйича Олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар ихтисослашган мактаби базасида 18-20 май кунлари Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон Гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва ўсмирлар ўртасидаги «Нарру Caravan» халқаро турнири бўлиб ўтди. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Андижон Вилояти

▼ ТАДБИРКОРЛИК

# ХОМАШЁДАН – ТАЙЁР МАҲСУЛОТГА




СУРАТДА: *кичик корхона ишчиси Равшаной Алиева.*

**Мамлакатимиз фермерлари эндиликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан чекланиб қолмай, уларни замонавий технологиялар асосида қайта ишлаб, истеъмол бозорига рақобатбардош тайёр ноз-неъматлар етказиб бериш билан ҳам фаол шуғулланмоқда. Бу қишлоқ мулкдорларига ўз фаолиятини кенгайтириш борасида яратилаётган улкан имкониятлар бераётган ёрқин самаралардандир.**

Буни Избоскан туманидаги "Насибжон" фермер хўжалиги фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Хўжалик томонидан ўтган йили "Миллийбанк"нинг молиявий кўмагида мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослашган корхона ташкил қилинди. Хўжаликнинг 35 гектар боғида етиштирилаётган сархил мева ҳамда сабзавот қайта ишланиб, шарбати идишларга қадоқланмоқда. Аҳоли хонадонларидан ҳамда бошқа фермер хўжаликларидан ҳам мева-сабзавот шартнома асосида харид қилиниб, шарбат ишлаб чиқарилмоқда.

Ўн киши меҳнат қилаётган кичик корхонада ҳар ойда 25-30 минг дона қадоқланган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилаётир.

**Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат.**

**Тошкент шаҳрида 2012 йил 19 май куни «Ўз-Кор Газ Кемикал» қўшма корхонаси ва кредиторлар консорциуми ўртасида газ қазиб олиш ва нефть-кимё мажмуаси соҳасидаги «Сурғил» кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши» лойиҳасини молиялаштириш ва амалга ошириш бўйича кредит ва лойиҳа битимлари пакети имзоланди.**

# «СУРҒИЛ» ЛОЙИҲАСИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАР ПАКЕТИ ИМЗОЛАНДИ

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши 2016 йилдан бошлаб йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газ, 400 минг тонна юқори зичликдаги полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен, 110 минг тонна пиролиз бензини ишлаб чиқариш, бевосита мажмуанинг ўзида мингдан ортиқ янги иш ўрнини яратишни таъминлаш имконини беради.

Лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. «Ўз-Кор Газ Кемикал» қўшма корхонасининг таъсисчилари – Жанубий Кореянинг "KOGAS", "Honam", "STX Energy" компаниялари ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этувчи тўғридан-тўғри инвестициялари, шунингдек, чекланган регресс ҳуқуқи ва кредитларни 16 йил муддатда қайтариш шарти билан лойиҳавий молиялаштириш тамойиллари асосида жалб қилинган умумий суммаси 2,54 миллиард АҚШ долларини ташкил этувчи кредит ресурслари лойиҳани молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Жумладан, лойиҳа бўйича заёмли молиялаштиришни ташкил этишда Осиё тараққиёт банки, Корея Республикаси тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси давлат тараққиёт банки, Европа ва Осиёнинг Корея молия корпорацияси, «ING» (Нидерландия), «KfW» ва «Bayern LB» (Германия), «Credit Suisse» (Швейцария), «Nordea» ва «SEK» (Швеция) каби ва бошқа бир қатор етакчи тижорат банклари, шунингдек, Жанубий Корея, Германия ва Швециянинг лойиҳада иштирок этаётган банкларга суғурта қопламалари тақдим қилган экспорт-кредит агентликлари иштирок этмоқда.

Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши нефть-кимё соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки бутун МДҲ ҳудудидаги бундай йирик ҳамда узоқ муддатли лойиҳавий молиялаштириш асосида ҳаётга татбиқ этилаётган илк лойиҳадир. Юқорида қайд этилган молиявий ҳужжатларнинг имзоланиши лойиҳанинг асосий босқичи бўлиб, у қўшма корхона ва унинг пудратчиларига кенг миқёсдаги қурилиш ишларига киришиш имконини беради. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳукуматлари томонидан фаол сиёсий қўллаб-қувватлаб келинаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Тошкент шаҳрида 2012 йил 19 май куни бўлиб ўтган кредит ва лойиҳага оид ҳужжатларни имзолаш маросимида инвестор компаниялар, молия институтлари, Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат органлари раҳбарлари мазкур лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши табиий газ, шунингдек, полиэтилен, полипропилен ҳамда ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган бошқа турдаги қимматли хомашёлар ишлаб чиқаришни таъминлашини таъкидладилар. Мажмуа ишга тушгач, шунингдек, пластмасса маҳсулотлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўсиб бораётган талабини қондирувчи материаллар тайёрлаш, кимё тармоғи, машинасозлик, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўплаб соҳаларда тайёр маҳсулотлар чиқаришни кенгайтириш борасида янги имкониятлар пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов ўз сўзида таъкидладики, «Президентимиз Ислом Каримов томонидан мазкур лойиҳани амалга ошириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, ушбу мажмуа давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизнинг бой хомашё захираларидан юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, юртимизнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, ишлаб чиқариш базасини тубдан модернизация қилиш ва шу асосда янги юқори технологияли қувватлар ва иш ўринлари яратишни ташкил этишда самарали фойдаланиш борасидаги сиёсати муваффақиятли амалга оширилаётганининг ёрқин далилидир.

Ҳужжатларни имзолашга бағишланган бугунги маросим лойиҳани амалга ошириш жараёнидаги муҳим молиявий босқич якунига етганидан далолатдир. Лойиҳа доирасида хорижий банклар томонидан жалб қилинган заёмли молиялаштиришнинг умумий ҳажми 2,5 миллиард доллардан ошишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу маблағлар етакчи халқаро молия институтлари ва тижорат банклари томонидан суверен кафолатсиз ажратилгани халқаро ишбилармон доиралар ва молия институтларининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган тузилмавий ислоҳотларга, йирик юқори технологияли лойиҳаларнинг муваффақиятли рўёбга чиқарилишига, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизнинг барқарор ва изчил ривожланишига, макроиқтисодий барқарорлик ва қулай инвестиция муҳитига бўлган қатъий ишончидан далолат беради».

**(Давоми 2-саҳифада)**

## Куннинг муҳим воқеалари

▶ Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида "Менинг бизнес ғоям" республика танловининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбир якунларига кўра, йигирма икки нафар йигит-қиз "Менинг бизнес ғоям – 2012" республика танлови ғолиби бўлди. Улар бизнес-режасини рўёбга чиқариши учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг эллик фоизи миқдорида имтиёзли микрокредитлар олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

▶ **Андижон давлат тиббиёт институтида иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг республика илмий-амалий анжумани ҳамда тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларининг патологик физиология фани бўйича мамлакат олимпиадаси бўлиб ўтди. Олимпиадада Андижон давлат тиббиёт институтининг даволаш факультети талабаси Эргашали Турсунов биринчи ўринга сазовор бўлди. Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультети талабаси Оқилхон Ориповга иккинчи, мазкур академиянинг Урганч филиали даволаш факультети талабаси Матёқуб Мадаминовга учинчи ўрин насиб этди.**

# ФАРОВОНЛИКНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар, хусусан, оилавий бизнесни йўлга қўйиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишида кўмаклашишга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Унда таъкидланганидек, оилавий бизнес иқтисодиётнинг тез ўзгарувчан бозор талабларига жавоб берадиган замонавий тузилмаси бўлиб, янги иш ўринлари ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Яқинда амалга киритилган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун мазкур йўналишни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

2012 йилнинг 1 майига қадар ёш оилаларга ўз бизнесини ривожлантириши учун 23,6 миллиард сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларини молиялаштиришга 12,6 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида 24 миллиард сўм, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамоллар сотиб олиш учун 20,8 миллиард, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш учун 142,5 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Шунингдек, тадбирда бугун иқтисодиётимизнинг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири хотин-қизлар тадбиркорлиги қўллаб-қувватланаётганлиги хусусида сўз юритилди. Ушбу соҳада иш билан банд хотин-қизлар катта ишбилармонлик салоҳиятига эга экани, улар учун ажратилган маблағлар миқдори 129,5 миллиард сўмни ташкил этгани таъкидланди.

Айни пайтда тижорат банклари томонидан қиймати 272 миллиард сўмлик ижтимоий йўналтирилган лойиҳалар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга эътибор қаратилган. Жумладан, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан 48 хонадонли юзта уй қуриш режалаштирилган.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент Вилояти

▼ МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

# ТОМОРҚАДА УЗУМЛАР РАНГГА КИРДИ

**Ўтган йили айни мана шу кезларда Янгиобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдунаби Ҳасанов туман ҳокимлигида ўтказилган бир йиғинда оилавий тадбиркорликнинг турлари тўғрисида гапира туриб, "Масалан, ҳозир май ойи бўлишига қарамай, маҳалламиздаги Раҳим Худойқулов томорқасидаги узумлар чумак урди" деганида, тўғриси, унинг гапларига кўпчилик ишонмаганди. Шунданми, йиғилишдан сўнг илгари мактабда ўқитувчилик қилган ёши улуғ оқсоқоллардан бири унга танбеҳ берган бўлди:**

— Бу ҳазилми-лофми, сал ўйлаб гапирсанг бўлмайдими, ахир ҳамма жойда узум эндигина гулга кираяпти-ку.

Абдунаби Ҳасанов устозининг эътирозларига муносабат билдирмади. Уни қўярда-қўймай машинасига ўтқазди-да, тўғри номи тилга олинган томорқа эгасининг уйига бошлаб борди. Ажабо, ҳовлидаги темир қувурлардан иссиқхона шаклида барпо этилган ишкомлардаги узумлар ҳақиқатан рангга кириб, товланиб турарди. Уларга ишком остида етиштирилган помидор ва булғор қалампири кўчатларини юлиб, қоғоз қутиларга жойлаштираётган Раҳим аканинг ўзи пешвоз чиқди.

— Мана, лофам-қофам эмас, бизнинг маҳаллада май ойининг охиригача узум пишади, — деди устозига, сўзини исботлай олганидан андак енгил тортган оқсоқол хонадон соҳибини таништирар экан. Қўшни маҳалла фуқаролар йиғини раиси айтилган гапларга мутлақо ишонмай келганди. Томорқа эгасининг амалга оширган ишларини кўриб, унинг тадбиркорлигига қойил қолди. Хонадон соҳибининг боқувдаги қорамол, от, қўйларини, ҳатто товуғу ўрдакларигача эринмасдан айланиб кўриб чиқди. Кейин ўтириб, тадбиркорнинг ишларига янада ривож тилаб, дуо қилди. Эртасига бу хонадонга туман ҳокими Ислом Эргашхўжаев ҳам келиб, томорқа эгаларининг амалга ошираётган ишлари билан танишиб чиқди. Деҳқон хўжалигини янада ривожлантириш учун Оқтепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги тугатилган пахта қабул қилиш шохобчаси ўрнидан қўшимча ер ажратилди. Хонадон эгасининг бой тажрибасини аҳоли ўртасида кенг оммалаштириш тавсия этилди.

Раҳим Худойқуловнинг асли касби муҳандислик. У узоқ йиллар тумандаги 82-сонли автокорхонада турли раҳбарлик лавозимларида самарали меҳнат қилди. Пенсияга чиққач, маҳалла чойхонасида ҳамма жойда бўладиган уч-тўрт нафар бекорчиларга қўшилиб, танда қўйиб ўтира олмади. Аёли, ўғилларини ёнига олиб, томорқасини гуллаб-яшнатишга, шу йўл билан оила иқтисодини мустаҳкамлашга киришди. Ҳовлидаги ишкомларни қайта қуриб, иссиқхона шаклига келтирди. Қишда ишком устига плёнка тортиб, токлар орасида турли хил резавор ҳамда сабзавот кўчатлари етиштиришни йўлга қўйди. Ёпиқ томорқада ҳаво илиқ бўлади. Ток билан бирга резавор ва кўчатлар ҳам бир хил ривожланади. Кунлар исиб кетгач, плёнка олиб ташланади. Кўчатлар бозорга чиқазиб, сотилади. Буюртмачилар ҳам етарли. Бу вақтга келиб, ҳали қўшнилар токлари устини очмай туриб, Раҳим аканикида узум новдалари шўра чиқазади. Кўкатлар ёнида кўкламнинг тансиқ таоми — дўлма учун ток барглари ҳам чаққон кетади, узум эрта пишгани учун эса мўмай пул бўлади. Шу йўл билан 2-3 миллион сўмлик кўчату кўкатлар сотилса, узумдан ҳам 6-7 миллион сўмлик даромад олинади. От, қорамол, қўй, эчки, паррандаларгача томорқа ортидан келаётган маблағ ҳисобидан харид қилинган. Улар хонадоннинг қўшимча даромади. Дарвоқе, бу йил ҳам шу кунларда ушбу хонадонда узумга ранг кирди.

— Томорқа — тайёр хазина, — дейди Раҳим ака. — Мен хонадонида 5-6 сотихлаб экин майдони бўла туриб, иш излаб юрган ёки ночор яшаётган кишиларни асло оқламайман. Чунки меҳнат қилган, изланган одам ҳеч қачон кам бўлмайди.

Маҳаллада Раҳим акадан ибрат олиб, у каби хонадонида оилавий бизнесни йўлга қўяётган, томорқадан унумли фойдаланувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Гулчилик, кўчатчилик ва резаворчилик тобора равнақ топаяпти. Баъзи томорқа эгалари ердан бир йилда 3 мартагача ҳосил олишади. Шу йўл билан кўплаб оилаларнинг иқтисоди мустаҳкамланиб боряпти.

— Яқинда, илгари ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила сифатида рўйхатда турадиган Аҳатқул Эргашев ариза билан мурожаат қилиб, ушбу рўйхатдан чиқаришимизни сўраб келди, — дейди маҳалла оқсоқоли А.Ҳасанов.

Ҳақиқатан ҳам унинг эндиликда ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги қолмади.

— Маҳалламиз фуқароси А.Эргашев "Агробанк"нинг Пискент тумани филиалидан олинган кредит ҳисобига бундан 3 йил аввал 2 бош қорамол харид қилган эди. Ҳозирда қорамоллари 5 бошга етди. Сут-қатиқ ўзидан чиқяпти. Эҳтиёжидан ортиқчасини сотишяпти. Бундан ташқари, томорқасидан ҳам унумли фойдаланиш ҳадисини олди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Фуқаролар йиғини ўз ҳудудидаги оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликнинг турли йўналишларини ривожлантиришда хонадон эгаларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

**Иброҳим ТОШЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

# “КАМАЛАК ЖИЛОСИ”

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, “Sen Yolg'iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида “Камалак жилоси” расмлар кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.**

Танловда Меҳрибонлик уйларининг кўплаб тарбияланувчилари ўз ижод намуналари билан иштирок этди.

Ранг-тасвир йўналишида 4 ёшдан 10 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида Жиззах шаҳридаги 29-“Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиси Умид Тиловов 1-ўринни, Тошкент шаҳридаги 30-“Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиси Денис Ашкетов 2-ўринни, Андижон шаҳридаги “SOS” болалар шаҳарчаси “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиси Ильдар Раҳмонқулов 3-ўринни қўлга киритди. 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида 1-ўринга Самарқанд шаҳридаги 10-“Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиси Ҳусейн Каримов, 2-ўринга Қорақалпоғистон Республикасидаги 1-“Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиси Роза Қодирова, 3-ўринга Тошкент шаҳридаги 21-“Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиси Анжила Беловалар лойиқ топилди.

Амалий санъат йўналиши бўйича эса 4 ёшдан 10 ёшгача бўлганлар ўртасида 1-ўрин Андижон шаҳридаги “SOS” болалар шаҳарчаси “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиси Ильдар Раҳмонқуловга, 2-ўрин Бухоро шаҳридаги 32-“Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиси Собир Фахриевга, 3-ўрин Тошкент шаҳридаги 23-“Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиси Эркин Поёнов ва Этт Камилаларга насиб этди. 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида 1-ўринни Андижон шаҳридаги “SOS” болалар шаҳарчаси “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчилари Катя Кравчевская ва Наврўзбек Аҳмадалиевлар, 2-ўринни Навоий шаҳридаги 2-“Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиси Абдусалом Равшанов, 3-ўринни Тошкент шаҳридаги 30-“Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиси Анастасия Волосиналар қўлга киритишди.



Шунингдек, Рамазон Исроилов, Милана Қодирова, Арабулло Аҳмаджонов, Нигина Файзиева, Владислав Ли, Озодбек Ҳакимов, Севинч Аллаева, Темур Абдурашидов, Ҳаёт Тагаева, Владик Белов сингари бир қатор иқтидорли ёшлар рағбатлантирилди.

Кўргазма доирасида Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида тезкор расмлар танлови ташкил этилиб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

**Шерзод ҚУРБОНОВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

### НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**1. Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 12-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабини мукаммал қайта қуриш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан 1 403 721 977 сўм, ҚҚСсиз 1 169 768 314 сўм.

**Якунлаш муддати** – 190 кун.

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри А.Темур кўчаси 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Тел.: (8-369) 226-22-60, 233-06-11.

**Лойиҳани молиялаштириш:** Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади;

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак:** танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:

Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишларини (хизматларни) таъминлаш бўйича танлов таклифлари берилганда хориж товарларни етказиб берувчилар қўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида озод бўлганини инобатга олган ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ миқдорини берилган таклифга қўшимча равишда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга: Наманган шаҳар Навоий кўчаси, 22-уй, тел.факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш. А.Темур кўчаси 105-уй.

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ**

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2012 йил 10 май куни ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «AMMOFOS MAXAM» ОАЖ балансидаги д/р 10/290ВАА бўлган «ГБА-СНГ ГАЗ-3102» 9 300 000 сўмга сотилганлиги маълум килинади.

**“TURKISTON IHTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO” МЧЖ**

“Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 2012 йил 1 майдаги № 52 (7978) сонида савдога чиқарилган “Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банкига тегишли бўлган “HAFEI” русумли давлат рақами **01/724 JAA** автомашинасини 2012 йил 16 майдаги № 29-292 “Агробанк” томонидан берилган хатига асосан очиқ аукцион савдосидан олинганини маълум қилади.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

“Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 2012 йил 19 апрелдаги № 47 (7974) сони, 6-бетида “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг танлов савдоси ҳақидаги хабарномасининг 6-хат бошидаги “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун” жумласи ўрнига “Сут маҳсулотларини қайта ишлаш кичик цехи қуриш учун” деб ўқилсин. Мурожаат учун тел.: (8-371) 228-79-52, 228-80-26.

*Ҳурматли тадбиркорлар ва фермерлар!*

**“TASHKENT PROF INVEST” МЧЖ РИЭЛТОРЛИК ТАШКИЛОТИ СИЗЛАРНИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ОММАВИЙ ОФЁРТА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Савдоларга Тошкент вилояти Қибрай тумани “Оқ-Қовоқ Дархон” СФУда жойлашган қуйидаги:

- “ҚИБРАЙ-РАҲМОНОВ БАҲОДИР” фермер хўжалиги мулки ҳисобланган, умумий майдони 16,7 га ер участкасида жойлашган боғзордаги, бошланғич нархи - 10 500 000,0 (ўн миллион беш юз минг) сўм бўлган, диаметри 2-9 см. - 1150 туп гилос, диаметри 6-9 см. - 100 туп ўрик (абрикос), диаметри 2-6 см. - 150 туп беҳи, диаметри 2-9 см. - 1000 туп олма, диаметри 6-9 см. - 1000 туп шафтолидан иборат диаметри 6-9 см. мевали дарахтлар қўйилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар, “TASHKENT PROF INVEST” МЧЖ риэлторлик ташкилоти билан ўрнатилган тартибда риэлторлик хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузишлари ҳамда ўзларининг акцепт аризаларини топширишлари лозим. Савдо объектини сотиш бўйича музокаралар талабгорларнинг акцепт аризасидаги шартлар ушбу оммавий офёрта шартларига мос келган тақдирда ўтказилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида Сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, шартномада кўрсатилган тўловларни ўз вақтида тўлаш шартлари юклатилади.

Мевали дарахтларни сотиб олган харидорларга, дарахтлар жойлашган ер майдонига нисбатан узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тузиш учун Қибрай тумани ҳокимиятига мурожаат қилишлари ҳамда ушбу ердан фақат боғзор сифатида унумли фойдаланишлари тавсия этилади.

Музокаралар ушбу эълон чиққан кундан бошлаб, савдо объектлари сотилгунга қадар, ҳар куни соат 15:00 да Тошкент шаҳри Миробод тумани Амир Темур шоҳ кўчаси 16“А”-уй, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, 3-қават 301-хонада ўтказилади.

**Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-20-13; факс: 233-23-40.**

Утерянный план дома, расположенного по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-н ул. Мирзаходжаева д. 10, выданный БТИ Юнусабадского р-на на имя Ахмаджанова Нуритдина Незамовича, считать недействительным.

Утерянный план дома, расположенного по адресу: г. Ташкент Мирабадский р-н ул. Г.Алиева д. 243, выданный БТИ Мирабадского р-на на имя Мельниченко Андрея Алексеевича, считать недействительным.

Утерянный план квартиры и договор купли-продажи, по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-н массив Юнусабад кв-л 8 д. 7 кв-ра 34, выданный Юнусабадским БТИна имя Курбанова Эркина Нишановича, считать недействительным.

Маҳсулот сертификатланган

LIZINGGA
SOTILA MAN



+998(71) 148 8080

JV MAN Auto-Uzbekistan
г. Ташкент, ул. М. Улугбека, 30.
Тел. : (998-71) 148-80-80.
Факс: (998-71) 268-56-25.
e-mail: info@man-mn.uz
www.man-mn.uz

Сертификатланган



SUVMASH
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ISO 9001:2008

НАСОСЛАР
тайёрлайди ва таъмирлайди

“ЭЦВ” РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
“Д” РУСУМЛИ ЁТИҚ
“К” РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
“НК” НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.
Тел:(998-71) 295-13-00; 295-06-35; 295-06-37; 295-19-08 Факс:(998-71) 295-51-08;
E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru, sales@suvmash.uz, www.suvmash.uz



# СПОРТ

▼ БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

## ЖАҲОН ГИМНАСТИКАЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА БАҲСЛАШДИ

**Пойтахтимиздаги Бадиий гимнастика бўйича Олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар ихтисослашган мактаби базасида 18-20 май кунлари Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон Гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва ўсмирлар ўртасидаги «Happy Caravan» халқаро турнири бўлиб ўтди.**



Жаҳон кубоги босқичи беллашувларида Жанубий Корея, Озарбойжон, Беларусь, Болгария, Бразилия, Миср, Исроил, Индонезия, Мексика, Россия, Франция каби дунёнинг 18 мамлакатидан 120 нафардан ортиқ энг кучли спортчи қатнашди. Бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари мақомига кўра, Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатига яқин бўлиб, Ўзбекистонда 2004, 2005 ва 2011 йилларда ҳам ўтказилган.

Мусобақалар дастуридан кўпкураш ва финал беллашувларида яккалик ҳамда гуруҳ машқлари жой олди. Гимнастикачи қизлар чамбарак, коптоқ, булава ва лента билан машқ бажариш бўйича маҳоратларини намойиш қилишди.

Жаҳон кубогининг кўпкураш бўйича баҳсларида биринчи ўринни россиялик Александра Меркулова қўлга киритди. Исроиллик Нета Ривкин кумуш медалига, қозоғистонлик Анна Алябьева эса бронза медалига сазовор бўлди. Гуруҳ машқларининг “уч тасма, икки ҳалқа” ва “беш тўп” деб ном олган икки турини бажаришда Ўзбекистон вакиллари тўртинчи ҳамда бешинчи ўринни эгаллади.

“Happy Caravan” халқаро турнирида иштирок этган ёш спортчиларимиз ҳам ўз маҳорат ва истеъдодини муносиб равишда намойиш қилди. Равиля Фархутдинова тўп ва ҳалқада машқ бажаришда кумуш ҳамда бронза медалларига, Валерия Давидова эса тасма билан машқ бажариш натижалари бўйича бронза медалига сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Россия, иккинчи ўринни Беларусь, учинчи ўринни эса Ўзбекистон ёш гимнастикачи қизлари жамоаси банд этди.

▼ ШАРҚ ЯККА КУРАШИ

## АЙКИДОЧИЛАРИМИЗ ҲИСОБИДА 10 ТА МЕДАЛЬ

**Озарбойжонда Шарқ якка кураши жанг санъати турлари бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди.**

Россия, Эрон, Юнонистон, Туркманистон каби давлатлардан келган кучли спортчилар иштирок этган турнирда мамлакатимиз вакиллари Шарқ якка курашининг комбат айкидо тури бўйича қатнашди.

Мусобақада жами ўнта спортчимиз совриндорлар қаторидан жой эгаллади. Қўлга киритилган медалларнинг тўрттаси олтин, бештаси кумуш, ва биттаси бронза. Хусусан, мусобақанинг энг юқори шоҳсупасига Абдураҳмон Қодиров, Раҳимжон Иноятов, Умид Жўрабоев ва Сурайё Узоқова кўтарилишга муваффақ бўлдилар.

▼ ЭШКАК ЭШИШ

## ЭШКАКЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**Польшанинг Познан шаҳрида каноэ ва байдаркада эшкак эшиш бўйича Жаҳон кубоги мусобақаларининг биринчи босқичи бўлиб ўтди.**

Тўртталик-каноэда 1000 метр масофага эшкак эшиш баҳсларида ҳамюртларимиздан иборат тўртталик — Серик Мирбеков, Мерей Медетов, Тўхтасин ўғли Нурислом ва Герасим Кочнев 3.38,500 натижани қайд этиб, иккинчи ўринни эгаллашди. Биринчи ўрин 3.37,264 натижа билан украиналикларга, учинчи ўрин эса 3.43,888 натижани қайд этган мезбон — Польша спортчиларига насиб этди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

Тошкент ш. Юнусобод т.даги "DIYORA SERVIS BIZNES" ХКнинг 06.05.2010 й.да берилган ТА 0933488 рақамли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 004230-01, 16.02.2011 й.) рўйхатга олинган "ELEMENT GAZ" МЧЖ (СТИР 301848414) 15.05.2012 й.даги таъсисчисининг 1-сонли қарорига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 717-31-51.

Утерянный план дома, расположенного по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н ул. Ахсикат д. 94, выданный БТИ Хамзинского р-на на имя Агабекова Аширбека Утемисовича, считать недействительным.

Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган "BAXMAL-SARVINOZ" ХКнинг (ИНН 301378328) ташкилий-ҳуқуқий шакли "BAXMAL-SARVINOZ" МЧЖга айлантирилади. "BAXMAL-SARVINOZ" МЧЖ "BAXMAL-SARVINOZ" ХКнинг барча масалалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

"VOSTORG LUX" МЧЖнинг (ИНН 300283139) Устав фонди 136 411 359 сўмдан 81 199 688 сўмгача камайтирилади. Манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. 15-мавзе 37-а уй.

"BAYTQO'RG'ON-ALLANAZAROV HAKIM" фермер хўжалигининг (СТИР 206413060) номи "BAYTQO'RG'ON AGRO DON" фермер хўжалиги деб ўзгартирилади.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси “Ўзбек тили ва чет тиллар” кафедраси мудири Улфат Абдуллаевага волидаи муҳтарамаси **РАҲБАР АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 800-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: С.СОЛИЕВА
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-514, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.20 22573 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. | 1 2 4 5